

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 41 (10.094)

2004 ЙИЛ 1 МАРТ

XXI саҳоси
Хаср Барча маъналардан
олинган сунғи хабарлар

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАДА

• **ЎТГАН** кунни Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар хотин-қизлар ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт кўмиталари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида айни кунларда ёш ўсмир қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида хотин-қизлар байрамига бағишлаб спорт ўн кунлиги ўтказилмоқда.

• **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 144-мактабда «Соғлом авлод—келажакимиз бойлиги» мавзусида уюштирилган тадбир ўсмир ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш масаласига бағишланди.

• **КЕЧА** Сергели туманидаги «Гулистон», Яккасарой туманидаги «Миробод» ҳамда Чилонзор туманидаги «Халқлар дўстлиги» маҳаллаларида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг бошланғич ташкилотларини тузишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• **БУГУН** Миробод туманидаги 110-мактабда сузиш спорти бўйича ўқувчи қизлар ўртасида уюштирилган мусобақанин туман якуний босқичи бўлиб ўтди.

• **Тошкент шаҳар ҳокимлиги** Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Пойтахтимиздаги «Кобул-Ўзбек Со» кўшма корхонасида жаҳон андозалари даражасида тайёрланаётган ип-калага ва сифатли матоларнинг 98 фоизи дунёдаги 100 дан зиёд давлатларга экспорт қилинмоқда.

• **СУРАТДА:** тўқув цехи илғори, гуруҳ сардори Нигора Собирова замонавий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқармоқда.



Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

Меҳр ва мурувват — улғу фазилат!

Диққат: ТАНЛОВ!

Бу йил Ўзбекистонда Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилинган. Бу ўзбек халқига хос азалий одат, ҳеч ким, ҳеч қачон бошқа миллат кишиларини дини, рангига қараб ажратмаган.

Болаларга нисбатан эса меҳримиз бўлакча. Кимдир тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан, мурувватидан ва қалб кўридан маҳрум бўлган бўлса, унга нисбатан эътиборимиз янада ошади. Улар учун мамлакатимизда ўнлаб замонавий жиҳозланган Меҳрибонлик уйлари бунёд этилган. Уларда болаларга шундай ғамхўрлик кўрсатиладики, кичкинтойлар ўзларини етим деб ҳис этмайдилар.

Шу билан бирга бундай болаларга яна бир бор ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Маълумки, Ўзбекистоннинг минглаб корхона ва ташкилотлари, хусусий фирмалар, оддий одамлар бу болаларга имкониятлари даражасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Яна кўп одамлар бундай меҳр-мурувват кўрсатиш ишига ўз ҳиссаларини қўшишни истайдилар, аммо қандай йўл тутишни билмайдилар. Уларнинг кўпчилиги бу болаларни ўғил-қиз қилиб, ўз қарамағларига олишни хоҳлайдилар-у, буни қандай расмийлаштириш учун қайси

идорага муурожаат қилишни билмайдилар.

Тан олиш керакки, бу соҳада юзага келган вазият ҳақида жамиятимизда маълумот етарли эмас. Бу борада оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган мақолаларда ота-онасиз ўсаётган болалар ҳаётига бағишлаб матбуотда, интернет нашрларда берилган энг яхши мақолалар, радио эшиттиришлари ҳамда телевидение кўрсатувлари, аудио ва видео роликлар тайёрлаш учун танлов эълон қилади.

Шу муносабат билан «Сен ёлғиз эмассан» Болалар жамоатчилиги жамғармаси республика Хотин-қизлар кўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ота-онасиз ўсаётган болалар ҳаётига бағишлаб матбуотда, интернет нашрларда берилган энг яхши мақолалар, радио эшиттиришлари ҳамда телевидение кўрсатувлари, аудио ва видео роликлар тайёрлаш учун танлов эълон қилади.

Танлов шiori:
«Бахт-икбол... хуқуқига эгаман».

Танловга 1 июнь - Болаларни ҳимоя қилиш кунига якун ясалади.

Танлов мақсади - фуқароларда Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлардаги мавжуд аҳволга шахсий

масъулиятни оширишга қаратилган.

Танловга оммавий ахборот воситаларида 2004 йил 1 мартдан 2004 йил 15 майгача эълон қилинган материаллар қабул қилинади.

Кўшимча маълумотлар билан 136-73-76 сонли телефон ва info@sen.uz электрон почта орқали танишишингиз мумкин.

Ғолиблар куйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

Матбуотда, Интернет нашрларда эълон қилинган энг яхши мақолалар учун:

1 ўрин - 200.000 сўм
2 ўрин - 125.000 сўм
3 ўрин - 75.000 сўм

Телевидениеда кўрсатилган энг яхши туркум (6 кўрсатув) учун:

1 ўрин - 500.000 сўм
2 ўрин - 300.000 сўм
3 ўрин - 150.000 сўм

FM радиодаги (6 эшиттириш) энг яхши туркум эшиттиришлар учун:

1 ўрин - 100.000 сўм
2 ўрин - 75.000 сўм
3 ўрин - 50.000 сўм

Энг яхши видеоролик учун - 100.000 сўм.

Энг яхши фото ва фоторепортаж учун - 200.000 сўм.

АССАЛОМ, БАҲОР!

Бугун серкӯёш ўлкамизда қалбларимизни олам-олам қувончу шодликларга, ширин ҳис-туйғуларга чулғаб сўлим баҳор фасли бошланди. Барчамизни соғинтириб, яшаш, яратиш, севиш-севилиш туйғуларини уйғотувчи гўзал баҳорнинг қутлуғ қадамлар билан ташриф буюрганидан ниҳоятда бахтиёримиз. Жаннатмақон юртимизда бодом ва ўрик шохлари гўё келинчақ мисол оқ ҳарир рўмола бурганган.



Тарифу-тавсифи шоирлар шеърларида сизга келган фасли навбаҳорни ҳар қанча қуйласак оз.

Бугун баҳор фаслининг биринчи кунини муҳаббат, бахт ва баҳор куйчиси, сеvimли шоирамиз Зулфия таваллуд топган кун. Шоирамиз баҳор ҳақида доимо жўшқин сатрлар битган. Айни дамда ардоқли шоиранин баҳорни соғиниб ёзган ўчмас сатрлари беихтиёр ёдимизга келади.

Салқин сахарларда бодом гулида,
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...

Ҳа, ҳақиқатан мафтункор баҳордан, гулу чаманзорга айланган табиатнинг беқўёс жозибасидан завқланамиз.
Хуш келибсан, ўлкамга Баҳор!..

Мамлакатимизда

• Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмиталарининг кўшма йиғилишида озон қатламини бузувчи моддаларга доир 1993 йилги Монреал протоколи ҳамда озон қатламини асрашга доир Вена конвенцияси каби халқаро ҳужжатларнинг мамлакатимиздаги ижроси муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун ўтказилаётган анъанавий «Ташаббус — 2004» кўрик-тайловининг Тошкент вилоят босқичи якунланди.

• Наманган шаҳридаги «Ёшлар спорт мажмуи» атрофида болалар боғини бунёд этиш ишлари бошланди. Унинг лойиҳаси эса АҚШ, Италия, Хитой ва Россия мамлакатларидаги ана шундай масканлардан андоза олиб тайёрланди.

• Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги 12-меҳрибонлик уйини маъмур тумандаги ташкилотлар, ишбилармонлар оталиққа олишди. Ҳомийлар турли байрамларда бир оғиз ширин сўз ва совға-саломлари билан меҳрга муҳтож болаларнинг кўнглиларини олишмоқда.

• Гулистондаги «Ал-Амин Патекс» масъулияти чекланган жамоати эса бир йилда 250 тоннагача қандолатчиликка кенг қўлланадиган асалин махсулотини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Жаҳонда


• АҚШ Президенти Жорж Буш Гаити Президенти Жон Бертран Аристиднинг Гаитида давом этаётган ҳукуматга қарши қўзғолонни бостириш учун мамлакатга ҳарбий тинчлик қучларини жўнатишни сўраб қилган муурожаатини рад этди.

• Испания Марокашга ушбу мамлакатда яқинда юз берган қатта вайронгарчиликларга олиб келган зилзила оқибатларини бартараф этиш учун 20 миллион евро микдорига ёрдам тақлиф этди.

• АҚШнинг Аризона штатидаги Скоттсдейл шаҳрида жойлашган давлат муассасасида кичик компьютер ҳажмидаги кутига жойланган посилка-бомба портлади. Портлаш натижасида уч киши жабрланди.

• Филиппин пойтахти Манила шаҳри яқинидаги денгизда ёнғин чиққан Super Ferry 14 паромиде кутқариш ишлари давом эттирилди. Ҳозирча 877 нафар йўловчи ва экипаж аъзоларидан фақат бир кишининг ҳалок бўлганиги тасдиқланди.

• Кеча Лос-Анжелес шаҳрида Америка киноакадемиясининг бош соврини — «Оскар» мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. 76-бор ўтказилган ушбу тадбир давомида 20 дан ортиқ йўналишлар бўйича ғолиблар тақдирланди.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Исроил армияси бронетехникалар ёрдамида Фаластиндаги Рамаллох шаҳрида махсус амалиётлар ўтказди. Улар «Қоҳира-Уммон», «Марказий Фаластин банки» ва «Араб банки»да рейд ўтказишди. Исроил махсус хизмати вакиллари «ХАМАС», «Ислох жиходи», «Хизбуллох» ва яна бир қатор террорчи ташкилотларнинг мажмур банклардаги 400 дан ортиқ ҳисоб рақамларини текширувдан ўтказиб, 8,9 миллион АҚШ долларига яқин миқдордаги маблағни Исроил ҳукумати ҳисобига ўтказди. Фаластин мухторият вакили бундай ҳаракатлар халқро меъёрларга тўғри келмаслигини таъкидлади.

● Германия канцлери Герхард Шрёдер мамлакатда иқтисодий ислохотлар ўтказиш борасидаги ташаббуси аҳоли томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини маълум қилди.

● Тони Блэр Буюк Британия бош вазирлиги лавозимига учинчи бор ҳам ўз номзодини қўйишга тайёр эканлигини билдирди. «Муаммолар ва босимлар ортидан келадиган мажбуриятлар мени яна ўз ишимни давом эттиришга ундамоқда. Мен ушбу сайловда ҳам ўз номзодимни қўяман», дея интервью берди Блэр News of the World газетасига.

● Грузиянинг собиқ Президенти Эдуард Шеварднадзенинг қуёви Георгий Жохтаберидзе «Тбилиси — Париж» самолётига чиқаётган пайтда қамолқоқ олинди. У қайин отаси давлат раҳбари бўлган даврда мамлакатдаги «Магиком» уяли алоқа телефон компаниясига раҳбарлик қилган. Георгийнинг турмуш ўртоғи Манана Шеварднадзе журналистларга суд қарори олинди маълум эди ва сиёсий мақсадда бундай айблов ўйлаб топилган, дея интервью берди. Георгий Жохтаберидзе 740 минг лари миқдоридagi солиқни яширганликда айбланмоқда.

● Гаитида қурол билан ҳукуматни эгаллаб олишга интилаётган исёнчилар мамлакат Президенти Жан Бертран Аристидининг тақлифини рад этишди. Бундан бир неча кун илгари Президент Жан Бертран Гаитидаги парокандаликка барҳам бериш мақсадида исёнчи муҳолифат билан келишиб давлатни бошқаришга рози эканлигини баён этган эди. Лекин муҳолифат ҳеч қандай келишувларсиз Президент истеъфосини талаб қилишда давом этмоқда.

● Франс-пресс ахборот агентлигининг таркатган маълумотига кўра, АҚШ мудофаа кучлари биринчи рақамли террорчи Усама бин Лоден яшириниб юрган жойни аниқлашган. Покистоннинг Кветта шаҳри тоғли ҳудудларида бин Лоден гуруҳи билан бирга «Толибон» бошлиги Мулла Омар ҳам макон топганлиги айтилмоқда.

● Айтилган дама АҚШ мудофаа кучлари Покистон ҳарбийлари билан ҳамкорликда «Ал-Қоида» ва «Толибон» террор ташкилотларига қарши янги операцияга тайёргарлик ишлари олиб бормоқда.

2003 йил давомида ўтказилган сўровлар якунлари бўйича комплексли мониторинг тартибиде «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ижтимоий тадқиқот ҳам бунга тасдиқлайди. Бундан қўзланган мақсад республикамизни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришни баҳолашда жамоатчилик фикрининг асосий йўналишлари, кўрсаткичлари, шунингдек, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий институтларига бўлган муносабатини аниқлашдан иборат эди.

1998-2003 йилларда жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровларининг қиёсий натижалари ижобий баҳоларнинг ортиб бораётганлигидан далолат беради. Бунда сўровда иштирок этган ҳар икки кишининг бири иқтисодий ислохотлар бир маромда амалга оширилаётганлигини айтган. Ислохотларнинг изчил, босқичма-босқич ўтказилаётгани, «шок терапияси» моделидан воз кечиш, мамлакатнинг миллий ва демографик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда аниқ йўналтирилган ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши Ўзбекистон аҳолиси ўртасида ижтимоий-иқтисодий вазиятлардан қониқиб юқори даражада эканлини англатади.

Аҳолининг республикамиз сиёсий ривожланишига берган баҳоси ҳам жуда юқори. Сўровда иштирок этганларнинг фикрича, барқарорлик, тинчлик ва хотиржамлик Ўзбекистондаги сиёсий вазиятнинг асосий белгиларидир. Бунга фуқароларнинг аксарияти /97,7 фоизи/ ижобий баҳолайди. Сўров натижалари шунга кўрсатдики, аҳолининг мамлакат хавфсизлиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлиги ишончли ҳимояланганига бўлган ишончи Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсат натижасидир.

Жамоатчиликнинг республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит юзга келаётганлиги ишончи қомил. Сўралганларнинг кўпчилиги Ўзбекистонда тадбиркорлар, фермерлар ва хусусий тармоқнинг бир маромда фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий /66,9 фоиз/, ижтимоий /62,4 фоиз/ ва иқтисодий /59,7 фоиз/ шароитлар яратилган, деган фикрни билдиргани ҳам бунга асос бўла олади.

Пул жамғармасининг мавжудлиги эса одамлар турмуш даражаси юқорилигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Сўровлар давомида жамиятимизда аҳоли томонидан пул маблағларини тўплашга бўлган ижобий йўналиш кузатилаётгани аниқланди.

Одамларнинг ўзи яшаётган мамлакатга нисбатан муносабати кўрсаткичларидан бири миграция масаласидир. Ўтказилган сўровлар шунга кўрсатадики, сўралганларнинг аксарияти /86,3 фоизи/

Ўзбекистондан бошқа мамлакатларга доимий яшаш учун кўчи кетишни истамайди. Бу жамиятимизда ватанпарварлик ҳиссининг кучлилиги, миллатлараро муносабатларнинг уйғунлиги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликдан дарак беради.

Тадқиқотлар натижалари шунга кўрсатдики, 2003 йилда Ўзбекистонда фуқароларнинг турли жамоат институтлари, ижтимоий қатламлар ва ахлоқ меъёрларига бўлган муносабати ўзгарди. Сўралганларга мустақилликдан кейинги ўтган йиллар давомида аҳолининг ҳаётини нуқтаи назари қай даражада ўзгарганини баҳолаш

Тадқиқот фуқароларнинг давлат олдидаги масъулият даражаси юқорилигини, уларнинг ўз мамлакатини билан уйғунлик ҳисси кучайганлигини яққол намоён этди. Аввал ўтказилган сўровларга нисбатан «давлатимиз бизга ҳамма нарса берди, ҳеч кимнинг ундан яна нимадир талаб қилишга ҳаққи йўқ», деб ҳисоблайдиганлар сони кўпайди. Шу билан бирга, аҳоли ўртасида боқимандалик кайфияти пайсаянглиги ҳам қайд этилди. Бу ҳам одамларнинг янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга муваффақиятли мослашганлиги, жамият онги ва фикри ижобий ўзгарганидан дарак беради. Кундалик муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ масалаларга бўлган муносабатнинг ўзгариш сурьяти ўзига ва ўз кучига ишонадиган фуқаролар сони изчил кўпайиб бораётганини кўрсатмоқда (2000 йилда сўралганларнинг 43,7 фоизи, 2003 йилда - 47,7 фоизи).

2003 йилдаги жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган

сўровлар ўтган йиллардаги каби фуқароларимизнинг Президентга ишончи катта эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу Ислох Каримовнинг давлатимиз раҳбари лавозимдаги иши юқори баҳолашни, аҳолининг аксарияти Юртбошимиз томонидан амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлашдан дарак беради. Бундай баҳо миллий бойлигимиз бўлиб, жамиятда барқарорлик кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизимнинг тубдан ўзгариши, мутлақо янги ижтимоий муносабатлар ва институтларнинг шаклланиши мамлакатнинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатидаги устуворликларини тинчлашга ўз таъсирини кўрсатди. Сўровлар натижалари аҳоли томонидан Ўзбекистон раҳбариятининг Марказий Осиёда тинчлик ва тотувликни мустақамлаш, бошқа давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсий йўли тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини исботлайди. Сўровлар яна бир муҳим жиҳатни ойдинлаштирди: Ўзбекистон яқин сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий алоқалар ўрнатган ҳамда уларни ривожлантираётган мамлакатлар халқларига фуқароларимиз бағрикенглик ва хайрихоҳлик муносабатидадир.

«Ўзбекистон: жамоатчилик фикри-2003» тадқиқоти мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини, аҳоли томонидан жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини босқичма-босқич ўзгартириш йўли қўллаб-қувватланаётганини яққол исботлади.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари бўйича
ЎЗА мухбири А.ИВАНОВА
тайёрлади

ЎЗБЕКИСТОН: ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ - 2003

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ туб иқтисодий ўзгаришлар, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасида ўз йўлини танлади. Президент Ислох Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисида сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек, эски маъмурий-бўйруқбозлик, режали-тақсимот тизимини эркин, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича танлаган моделимиз тўғри эканлини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

таклиф этилди. Бундан шу нарса маълум бўлдики, анъанавий қадриятларни сақлаш билан бир қаторда қонун ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишдек демократик қадриятлар мавқеи ҳам ортмоқда.

Шунингдек, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларда жиддий ижобий силжишлар ҳам кузатилмоқда. Жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш муҳимлиги ва зарурлиги тушунчаси ўсиб бормоқда. 1998-2003 йиллардаги сўровларнинг қиёсий натижалари шундан дарак берадики, инсон ҳуқуқлари омма онгининг базавий тушунчаларидан бирига айланмоқда. Сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги /74 фоизи/ давлат учун ҳозирги босқичда биринчи навбатда, ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинлигини, кейин жамият манфатини таъминлаш асосий вазифа, деб ҳисоблайди.

Сўровларда Конституцияимизнинг одамлар кундалик ҳаётидаги ўрни юқори баҳолашни аниқланди. Жамоатчилик фикрида кейинги йилларда фуқаролар учун мамлакатимиз Асосий қонунининг аҳамияти ортиб бораётгани қайд этилмоқда (1998 йилдаги 30,9 фоизга нисбатан 2003 йилда 55 фоизни ташкил этган). Конституция матнини билиш сўралганларнинг ёши ва маълумоти билан бевосита боғлиқлигига доир ўтган йиллардаги ҳолат сақланиб қолган. Асосий қонунни кўпроқ 18-20 ёшлилар, шунингдек, олий маълумотли кишилар ўқигани қайд этилган. Бу Юртбошимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишини амалга оширишнинг натижасидир. Ушбу фармойишга мувофиқ таълим тизими олдида ҳуқуқий билимларни мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб олий ўқув юртида ҳам ўқитиш вазифаси қўйилган эди.

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўтганиб
Домо бўлур...**

• Ўз қадр-қимматини асраб-авайлайдиган, иззат-икромини ўрнига қўядиган ва нафсонияти учун қуюнадиган одамни эса калондимоғ, деб бўлмайди. Агар кимда-ким ўзига кибру ҳаво билан бино қўйса, одамлар ичда ўзини катта тутса, мулк-давлати ортиб, босар-тусарини билмай қолса, ўз қадр-қимматини «Мен!» тарзида улугламоқчи бўлса, бундай кимса охир-оқибатда, расвою жаҳон бўлиб, қадр-қимматини йўқотади.

• Қадр-қимматини эъзозлайдиган одам ҳокисор, камтар, камсуқум, иззат-нафсли, ориятли, адолатли ва ҳамиятли бўлади, ўз шаънига доғ туширмайди. Қадр-қиммат ҳақида гап борар экан, баъзи яхши фазилатларга керагидан ортиқча тус берилганда бошқача маъно касб этиб, хунук бўлишини ҳам айтиш керак. Масалан, ҳокисор бўлиш яхши, лекин ўта ҳокисорлик қилинаверса, яхши-ёмонга бўйин эгилаверса, бундай содда, оддий, самимий ва кўнгли бўш кишини калака қиладиган, фириб бериб кетадиган туллак кимсалар ҳам учраб туради.

• Камтар-камсуқум бўлганда ҳам ўз иззат-нафсини сақлаш, қадр-қимматини билиш зарур. Камтарлик, ҳар кимсга эгилиш, ўзини ҳаммадан паст тутиб, хас-чўпдек хорзор тарзида кўрсатиш эмас. Бу ҳақда доно ҳикмат ҳам бор:

Эгилганга эгилгин — бошинг ерга теккунча, Кеккайганга кеккайгин — бошинг кўкка етгунча.

• Иззат-нафсини ерга уриш, бирор нарса илинжида елпатак бўлиш, ўз инъонихтиёрини бировнинг қўлига бериб қўйиш ҳам қадр-қиммат чиннисини чил-чил қилиб юборади.

• Орият уялининг ҳам чеки, меъёри бор. Ўта ориятли бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқидан айриладиган, озғидагини олдириб қўядиган одам ҳаёт насибаларидан бебаҳра қолади ва айни ҳолатда қадр-қимматини йўқотади. Ноўрин тортинчоқлик қилинаверса, одам дарё қирғоққа чиқариб ташлаган сомон парчасидек кўпчиликдан четга сурилиб қолади. Инсоний гўзал фазилатларнинг «жилғаси» оқиб бориб, қадр-қиммат «дарёси»га қуюлади. Агар «жилға»лар қанчалик равои оқса, мусоффо бўлса ва ёмон ниёт қўшилмаса қадр-қиммат «дарёси» шунчалар азим, азиз ва бўшқин бўлади.

• Қадр-қиммат инсоннинг ҳам захирий, ҳам ботиний хис-туйғулари билан бўлиб, у катта руҳий мадад бағишлайди. Иззат-обрўли, қадр-қимматли, эъзоз-эътиборли одамнинг кўзидан нур, юздан сурур, ҳатти-ҳаракатидан ёқимли ғурур ёғилиб, унга гўзал салобатли, покиза адолат, улуг шон-шавкат рамзини бағишлайди.

Хуши келибсан улкамга, баҳор!

ОЛАМ ГУЛЛАРГА БУРКАНСИН

Фусункорим сўлим баҳорим хуши келибсан! Муборак қадамларинг қутлуг келсин. Сен фасллар келинчаги, суюқлиси ва эркасисан. Қадамингда гуллар чамани, қучоғингда майин саболар, сени севар ёшу-қарилар.

Баҳорим, навбаҳоримсан сен. Кутганим боғу-бўстоним ҳам сен. Сени қандай таърифлай. Сен гўёки кўнгилларнинг чароғон, ёруғ қўёшига ўхшайсан. Гуллар, яшнаб чиroyингни очавер, меҳр нуринг аямасдан бошимиздан сочавер. Ифоринг уфуриб, булбулларинг хониш қилиб, анҳорларинг тўлиб-тошиб оқиб, замин хидини, баҳор нафасини борлиққа тараннум айласин.

Уриқларинг гуллабди, муборак бўлсин. Дов-дарахтларинг кўклардан либос кийибди, ярашгли бўлсин. Деҳқоннинг ҳам кўнгли шод сенинг қадамларингдан, энди барака бергин, ҳосили мўл бўлсин!

Баҳорим — кўркам баҳорим, сен наинки яшнатиш, яратиш фаслисан балки, энг гўзал байрамларни бағринга босиб, эркалаб тантаналарни қучоқ-қучоқ гуллар билан қутлаб, эъзозлаб олиб келадиган бағри, кенг улуг фаслсан.

Сенинг илк қадамларингдаёқ онажонлар, гўзал аёллар, дилбар қизлар байрами — хотин-қизлар кунини кенг нишонланади.

Ўша кунда аёллар юзидаги табассум, қизлар лабидаги кулгу сенинг қутлуг қадамларинг ила янада жозибадор бўлади. Ҳаммаёқни гуллар хиди тутиб кетади.

Наврўзи оламини айтмайсизми? Катта қозонларда пишаётган сумалаклар, ҳалимлар, кўкатлардан тайёрланган турли хил пишириқлар иштаҳани кўзғаб юборади. Ҳамма шод-хуррам. Негиз айнан сенинг бағрингда нашо-

ланади бу тантаналар? Ҳа, англадим, сен ахир ўз номинг билан мафтункор фаслсан. Кўм-кўк кўкларнинг замин узра беиминнат ёзасан, сажий қўёшнинг зарҳал нурларини аямай сочасан. Гулларга ўраб ташлайсан оламини.

**Бинафша шивиридан диллар уйғонди,
Чучмома ранг олди сиёҳдан кўкдан.
Васлингга интизор тунлар тўлғонди,
Пойинг қутлуг келсин, қутлуг Баҳорим!**



Янада обод бўл, азим Тошкентим!

**БАҲОРГИ ИШЛАР
БОШЛАНИШ КЕТДИ**

Юртимизга орзиқиб кутилган фусункор, тароватли баҳор ҳам кириб келди. Бу яшариш, янгиланиш фаслида гўзал Тошкентимиз хуснига янада хусн қўшилади. Халқимизнинг асрлар оша эъзозланиб, ардоқланиб келинаётган байрамларидан Наврўзи олам муносабати билан шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авж олмоқда.



Мирзо Улугбек туман ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бошқармаси ишчилари режага асосан белгиланган юмушларни уюшқоқлик билан амалга оширмоқдалар. Биринчи навбатда, эътибор марказий кўча, одамлар билан янада гавжумлашадиган хиёбон, бекатларни ораста-лаш, тартибга келтириш, ариқ, зовурларни тозалаш ишларига қаратилади.

Жумладан, дарахтларга шакл бериш, қуриганларини олиб ташлаш ҳамда 5 мингта янги манзарали дарахтлар экиш юмушларини бошқарма ходимлари бошлаб юборганлар. Кичик ҳалқа йўли, Буюк Ипак йўли, Ҳабиб Абдуллаев, Мусахонов, Содик Азимов кўчаларига дарахт қўчатлари ҳамда 3.000 донга ҳар хил бутталар экилади. Тумандаги Пушкин ҳамда Оққўрғон кўчалари чорраҳасидаги гулхона 2-3 баробарга кенгайтирилиб, ҳар хил турдаги ёзги гуллар экиш режаланган.

—Туманимизда жами 76.000 донга мавсумий гуллар экилиши

мўлжалланган бўлса,—дейди Мирзо Улугбек туман ободонлаштириш бошқармасининг кўкаламзорлаштириш бўлими бошлиғи Акбар Отабеков, —улардан тагетис, петунья, агератум каби 30-35 мингтаси ўзимизда пленка остида парваришланмоқда, қолган қисми эса манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат ўқувчилигидан келтирилади. Тумандаги шоҳбекатлар, бекатларга қўйилган бетон туваларга ҳам турфа гуллар экилади. Буюмушларнинг барчасини бошқарма кўкаламзорлаштириш бўлимининг 65 нафар сергайрат, қўли гул ишчилари амалга оширадилар. Уларга доимий ишловчи 6 та автотранспорт воситалари ҳамда туман «Махсустрэнс» корхонасининг 4 та машиналари маддадор бўлади.

Кенг ва равои йўллар, чароғон, озода, кўкаламзор кўчалар, осмонўпар муҳташам бинолар баҳорий илчилик билан кўнгли-мизини янада нурафшон қилади.

**Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА**

КўКЛАМ ЧИЗГИЛАРИ

Яна баҳор келди юртимиз узра,
Заминга ям-яшил сепини ёйиб.
Борлиққа бахш этди гўзал манзара,
Дилларга гурурий туйғулар солиб.

Худди оқ дўппидай, тоғ чўққисиди,
Сўнгги қор мунгайиб оқар бемадор.
Поёнсиз далалар, қирлар кўксиди,
Аста уйғонмоқда мудраган баҳор.

Деҳқонлар бел боғлаб чиқди далага,
Бунёдкор юмушлар айни авжида.
Она ер бурканиб гулга, лолага,
Ялла таралмоқда ҳаво мавжида.

Фасллар ичида мафтункори у,
Таровати гоят ёқимли, кўркам.
Яшариш, яшнашга бериб у урғу,
Бағрига жо этган саховатни жам.

Келинлар бўйнида ёқут маржондай,
Дарахтлар оппоқ гул билан безанди.
Турналар саф тортиб ўтди карвондай.
Кўклам келганини балки сезганми.

Илк ташриф буюрган кўм-кўк фаслда,
Меҳр ва мурувват очмоқда гунча.
Ифтихор ҳиссини жамлаб наслда,
Қолақол ўлкада ҳаёт тургунча.

Соип МУҲАМЕДОВ

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Баҳор фасли келиши билан дала-қирларда, ариқ бўйлариди кўм-кўк майсалар, шифобахш кўкатлар бўй чўзади, ранго-ранг гулу чечакларнинг хуши бўйлари атрофга таралади.

Маълумки, баҳор фаслида инсон организми бироз толиқади. Донишмандларимиз бежиз «баҳор ойларида иллик узилади», ер одамнинг қувватини олади» дейишмаган. Куз ва кишда истеъмол қилинган мева, кўкатлар, сабзавотлар таркибидаги дармондориларнинг баҳорга келиб қуввати камаяди. Шунинг учун кўклам келиши билан илоҳи борича витаминга бой озиқ-овқатлар, мева ва сабзавотлар, шунингдек шифобахш кўкатлар — кўк пиёз, исмалок, ялпиз, жағ-жағ, равоч, отқулоқ ва улардан тайёрланган сомса, чучвара, мант, райхон солинган хушхўр таомлар истеъмол қилиш жуда фойдали. Бундан ташқари, баҳорги сеvimли таомлар — сумалак ва ҳалим ҳам жонга

малҳам бўлиб, куч-қувват бағишлайди.
Баҳорнинг жонга дармон бағишловчи кўкатлари орасида исмалок айниқса инсон организми учун дармондорига бой кўкатдир. Исмалок таркибида оқсил, темир, фосфор ва кальций тузалари, А ҳамда С дармондорилари кўп. Оқсил моддасининг кўплиги жиҳатидан исмалок бошқалардан ажралиб туради. 100 грамм исмалок 25-30 калорияга эга. Исмалокнинг энг муҳим тўйимли хусусияти — унда хлорофилл моддасининг гоят кўплигидир. Хлорофилл таркибидаги темир ва бошқа минерал моддалар билан организмда қон пайдо бўлиши ва кўпайишида фаол иштирок этади. Ундан турли хил таомлар тайёрлаш мумкин. Халқ табибатида ҳам исмалок қайнатмасидан фойдаланилади.

Баҳор байрамлари арафасида

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

«Гулбаҳор» омонат турини таклиф этади

Йиллик даромад 50%

- пуллар 2004 йилнинг 24 февралидан — 5 мартгача қабул қилинади
- сақлаш муддати - 45 кун
- бадалнинг минимал суммаси — 50 000 сўм



**МИЛЛИЙ БАНК — ПУЛЛАРИНГИЗ САҚЛАНИШИ
ВА ДАРОМАДЛИЛИГИГА КАФОЛАТДИР!**

Кўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 телефон рақамлари орқали
ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин
www.nbu.com

«2004 йилда Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ва Фарғона водийсида жойлашган уй-жой мулкдорлари ширкатларининг энг яхши иш тажрибаси» танловида қатнашиш учун ТАКЛИФНОМА

Урбан институти (Тошкент) АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлигининг (USAID) «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳрида, Самарқанд вилоятида ҳамда Фарғона водийсининг вилоятларида жойлашган уй-жой мулкдорларининг энг яхши иш тажрибаси танловини эълон қилади.

Танлов Низомга мувофиқ ўтказилди. Ушбу Низом нусхасини қуйидаги манзилгоҳларда олиш мумкин:

Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1а-уй (2-қават); телефон: (8-3712) 45-06-37; С.А.Соловейга мурожаат қилинг.

Танловнинг барча қатнашчилари те-

гишли ҳужжатларни 2004 йил 2 апрель кунидан кеч қолмасдан топширишлари лозим.

Танлов комиссияси танлов ҳужжатларини 2004 йил 5 майгача кўриб чиқади ва ғолибларни 2004 йил 15 майда эълон қилади.

Танлов яқунлари оммавий ахборот воситаларида ёритилиб, ғолибларга алоҳида маълумот берилади.

Кўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш учун Урбан институтига Гавҳар Алиевага, қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг:

700015, Тошкент шаҳри, Афросиёб шоҳкўчаси, 12, блок 5, офис 3/1. телефон: (8-371)-152-76-77; 152-76-78; 152-77-02. Факс (8-371)-152-76-77/ 78, E-mail: GAlieva@ui.uz.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ

Тошкент шаҳар солиқ идораларидаги бўш ўринларга ишга кириш истагини билдирган номзодлар учун танлов бошланганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Номзодларга қўйилган талаблар:

- Иқтисодчи, бухгалтер ва ҳуқуқшунос ихтисоси бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлишлари;
- Ҳарбий ёки муқобил хизматни ўтаган бўлишлари;
- Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлишлари;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишлари шарт.

Номзодлар тегишли ҳужжатларни жамлаш ва топшириш учун ўзлари яшаб турган жойдаги туман Давлат солиқ инспекцияларининг кадрлар билан ишлаш бўлимларига 2004 йил 10 мартгача мурожаат қилишлари мумкин.

**Тошкент шаҳар
Давлат солиқ
бошқармаси**

Тошкент технология техникуми томонидан 1993 йили Каримова Фотима Хўждановна номига берилган СТ-1 № 505572 рақамли (реестр рақами 10006) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5252 нускада босилиши. Қўнғо бичими А-3



Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича гузар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.